



ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ ТИЗИМИНИ БАҲОЛАШ МЕТОДИКАЛАРИ.

Умурзаков Хусниддин Шавкатжон ўғли

Мустақил тадқиқотчи.

umurzakovhusniddin7@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19940680>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 5-aprel 2026 yil
Ma'qullandi: 6-aprel 2026 yil
Nashr qilindi: 28-aprel 2026 yil

KEY WORDS

ватанпарварлик тарбияси, баҳолаш методикаси, самарадорлик мезонлари, сиёсатшунослик таҳлили, инфратузилма, молиялаштириш, ижтимоий сўровнома, давлат сиёсати.

ABSTRACT

Мақолада ўқувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизимини баҳолаш методикалари таҳлил қилинган. В.И.Лутовинов, Ш.Р.Турсунов, Н.М.Звёздкин, Т.А.Асеева ва бошқа тадқиқотчиларнинг баҳолаш мезонлари қиёсий ўрганилган. Мавжуд методикаларнинг асосан педагогик-психологик йўналишда эканлиги, сиёсатшунослик нуқтаи назаридан инфратузилма, кадрлар ва молиялаштиришни қамраб олувчи комплекс баҳолаш тизимининг етишмаслиги асосланган.

Кириш.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизимини баҳолаш бўйича тадқиқотчилар турлича методикаларни илгари сурадилар. Баъзилари педагогик жараёни таҳлил қилсалар, баъзилари ёшларнинг ватанпарварлик тушунчаларини тадқиқ қиладилар ва баҳолаш индикаторларини таклиф қиладилар. Бироқ тизимнинг қандай ишлаётгани ва қандай бўлиши лозимлиги бўйича сиёсатшунослик нуқати назаридан таҳлил қилинмаган. Яъни инфратузилма, кадрлар салоҳияти ҳамда молиялаштириш тартиби бўйича аниқ асослантирилган баҳолаш методикалари мавжуд эмас.

Рус тадқиқотчиси В.И.Лутовинов фуқароларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича олиб борилган иш натижаларини баҳолаш мезонлари ва методикалари муаммоларини тадқиқ этиш бўйича ўз методикасини илгари сурган¹. Тадқиқотчи ватанпарварлик тарбияси жараёни қандай ташкил этилгани ҳамда фуқароларда қандай ўзгаришлар содир бўлганини баҳолаган. В.И.Лутовинов ватанпарварлик тарбияси мезонларини икки гуруҳга ажратади. Биринчи гуруҳга ватанпарварлик тарбияси бўйича иш жараёнини, фуқароларда ватанпарварликни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган фаолиятни акс эттирувчи мезонлар киради. Хусусан, амалга оширишга йўналтирилган 10 та кўрсаткич, миқдорий 14 та кўрсаткич ҳамда 9 та сифат кўрсаткичлари баҳоланган.

¹ Критерии и основы методики оценки результатов работы по патриотическому воспитанию : научно-исследовательская работа / В. И. Лутовинов ; общ. ред. Ю. П. Квятковского ; Российский государственный военный историко-культурный центр при Правительстве Российской Федерации. — Москва : Армпресс, 2006. — 69 с. — ISBN 5-903166-07-5.

В.И.Лутовиновнинг биринчи гуруҳ мезонларининг кўрсаткичлари.

Мезон	Кўрсаткичлар
<p>Реализацион-мақсадли</p>	<ul style="list-style-type: none"> ✓ ватанпарварлик тарбиясининг дастурли (режали) хусусиятга эгаллиги; ✓ ватанпарварлик тарбияси мақсадларини амалга оширишга қаратилган аниқ вазифаларнинг мавжудлиги; ✓ ватанпарварлик тарбияси натижаларига эришишда мақсадга интилувчанлик ва изчиллик; ✓ ватанпарварлик тарбиясини жараён сифатида ташкил этишнинг тизимли хусусияти; ✓ патриотизмни шакллантириш ва ривожлантиришда комплекс ёндашув; ✓ патриотизмни шакллантириш ва ривожлантиришда дифференциал ёндашув; ✓ фуқароларнинг турли тоифаларини уларнинг хусусиятлари, қизиқишлари, интилишларини ҳисобга олган ҳолда ватанпарварлик тарбиясида дифференциал ёндашув; ✓ ватанпарварлик тарбияси мазмуни, шакллари, методлари ва воситаларини оптималлаштириш; ✓ ватанпарварлик тарбиясини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш йўналишларини белгилаш ва асослаш; ✓ ватанпарварлик тарбиясида индивидуал ёндашув.
<p>Амалий-натижавий (миқдорий кўрсаткичлар)</p>	<ul style="list-style-type: none"> ✓ ватанпарварлик тарбияси бўйича ўтказиладиган тадбирлар сони (кўп, кам, жуда кам); ✓ ватанпарварлик тарбияси бўйича ўтказиладиган тадбирлар кўлами (катта, ўрта, кичик); ✓ фуқароларнинг ватанпарварлик тарбияси тадбирларида иштирок этиш фоизи (максимал, сезиларли, минимал); ✓ тадбирларда иштирок этувчи турли тоифадаги фуқаролар вакиллиги, жумладан етим болалар, “қийин” болалар, девиант хулқли болалар қамрови (кенг, чекланган, минимал); ✓ ватанпарварлик тарбиясининг асосий тадбирларини тайёрлаш ва ўтказишда иштирок этувчи субъектлар (ижрочилар) сони (максимал, сезиларли, минимал); ✓ ватанпарварлик тарбияси соҳасида тайёрланган ташкилотчилар ва мутахассислар сони; ✓ ватанпарварлик тарбияси шакллари, методлари ва воситаларидан фойдаланиш арсенали (катта, унча катта эмас, чекланган, минимал); ✓ амалдаги ватанпарварлик бирлашмалар, клублар, марказлар сони, жумладан болалар ва ёшларники; ✓ Пост №1 ҳаракатлари, ҳарбий-спорт ўйинлари (“Зарница”, “Орлёнок”, “Равнение на Победу” ва бошқалар) сони; ✓ тарихий-ватанпарварлик, қаҳрамонлик-ватанпарварлик ва ҳарбий-ватанпарварлик музейлар

	<p>сони (таълим ва бошқа муассасаларда, корхоналарда, бирлашмаларда ва ҳ.к.);</p> <ul style="list-style-type: none"> ✓ мудофаа-спорт соғломлаштириш лагерлари сони; ✓ ватанпарварлик тарбияси муаммолари бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари сони, шунингдек уларнинг назария ва амалиётга жорий этилиш даражаси; ✓ ватанпарварлик тарбияси тадбирларининг тарбиянинг бошқа йўналишлари билан ўзаро боғлиқлиги (кўп йўналишлар билан, айрим йўналишлар билан, ўзаро боғлиқлик йўқ); ✓ ватанпарварлик тарбияси тадбирларини молиялаштириш (юқори даража, ўрта, минимал).
<p>Амалий-натижавий (сифат кўрсаткичлари)</p>	<ul style="list-style-type: none"> ✓ ватанпарварлик тарбияси бўйича ишнинг тайёргарлик ва натижадорлик даражаси (юқори, ўрта, паст); ✓ ватанпарварлик тарбияси бўйича ишнинг ташкилий-методик таъминланганлик даражаси (юқори, ўрта, паст); ✓ ватанпарварлик тарбияси бўйича иш ташкилотчилари ва раҳбарларининг тайёргарлиги ҳамда касбий компетентлиги даражаси (юқори, ўрта, паст); ✓ тизимли, комплекс, узоқ муддатли, инновацион хусусиятга эга тадбирлар фоизи (юқори, ўрта, паст); ✓ ватанпарварлик тарбияси бўйича иш раҳбарлари ва ташкилотчиларининг унинг асосий натижаларидан қониқиш даражаси (юқори, ўрта, паст); ✓ ватанпарварлик тарбияси бўйича иш натижаларининг мустақил экспертлар томонидан баҳоланиши (баллда); ✓ ватанпарварлик тарбияси тадбирлари иштирокчиларининг улар натижаларига муносабати (ижобий, салбий, бефарқ); ✓ ватанпарварлик тарбияси бўйича иш иштирокчиларининг ушбу фаолият субъекти сифатида мақсадли ўзини намоён қилишга тайёрлик даражаси (юқори, ўрта, паст); ✓ ватанпарварлик тарбияси тадбирлари иштирокчиларининг маълум вақт ўтгач, Ватан манфаати йўлида ижтимоий аҳамиятга эга фаолиятда онгли ва фаол ўзини намоён қилишга тайёрлиги.

Иккинчи гуруҳ когнитив (билишга оид), қадрият, мотивацион ҳамда хулқ-атвор кўрсаткичлари баҳоланган. Натижалар анкета, сўровнома, маълумотлар таҳлили ҳамда экспертлар баҳолари асосида шакллантирилган. Баҳолаш тартиби 5 баллик тизим асосида қуйидаги тартибда амалга оширилади:

5-агар ушбу кўрсаткичлар тўлиқ даражада ифодаланган бўлса, доимий равишда намоён бўлса ва ҳеч қандай шубҳасиз тўла мавжуд бўлса;

4-агар ушбу кўрсаткичлар етарли даражада ифодаланган бўлса, асосан барқарор намоён бўлса ва айрим шубҳалар билан нисбатан мавжуд бўлса;

3-агар ушбу кўрсаткичлар тўлиқ даражада ифодаланмаган бўлса, доимий равишда намоён бўлмаса ва катта шубҳалар билан кам қайд этилса;

2-агар ушбу кўрсаткичлар жуда кучсиз ифодаланган бўлса, эпизодик тарзда намоён бўлса ёки умуман намоён бўлмаса, катта қийинчилик билан қайд этилса ёки умуман қайд этилмаса.

Паст натижа кўрсатган индикаторлар учун алоҳида чора-тадбирлар белгилаш имконияти юзага келади.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси тадқиқотчилар томонидан турлича улсулларда ўлчанган. Хусусан, Ш.Р.Турсунов ёшларнинг ватанпарварлик тарбияси ҳолатини 3 та қисмга ажратиб баҳолаган². Биринчи қисмда шахсий компонентлар баҳоланган, яъни ватанга дахлдорлик ҳисси, фидойилик ва садоқат ҳамда мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетнинг шаклланганлик ҳолати сўровнома асосида текширилган. Иккинчи қисмда билим компоненти баҳоланган, яъни ватанпарварлик тушунчалари ҳақидаги назарий кўникмалари, Ўзбекистон тарихи, миллий қаҳрамонлар, ҳарбий-ватанпарварлик анъаналари, давлат ва жамият хавфсизлигида ёшларнинг ўрни ҳақидаги билимлари текширилган. Учинчи қисмда амалий фаолият компоненти ватанпарварликка оид тадбирларга иштироки, ҳарбий қисм, музей ва театрларга ташрифи, ҳарбий хизматга муносабати каби кўрсаткичлари баҳоланган.

Ёшлар билан 3 босқичли (назарий, таълим-тарбиявий ва якуний) эксперимент ўтказилиб, биринчи босқичда жорий ҳолатни ўлчаш, иккинчи босқичда тарбиявий таъсир (инновацион тадбирлар) ва сўнгги босқичда χ^2 ва Пирсон мезонлари билан статистик таҳлил асосида қайта баҳоланган. Биринчи босқич натижаларига кўра талабаларнинг ватанпарварлик тарбияси ҳолати паст дея баҳоланган. Иккинчи босқичда ўтказилган амалий фаолият натижасида тенденция 30 фоизга ошган. Учинчи босқичда эса тажриба гуруҳининг учдан икки қисмига яқин талаба (70 % га яқин) ватанпарварлик руҳи ўрта ва юқори даражага кўтарилган. Бироқ Ш.Турсунов ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик ҳиссини психологик нуқтаи назардан аниқлашга ҳаракат қилган.

Тажриба натижаларини ҳисоблашда ўзлаштиришнинг ўртача қийматини ҳисобловчи формуладан фойдаланилган. Бу ҳақда ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичи 3-паст, 4-ўрта ҳамда 5-юқори қийматлари қабул қилинган.

Ж.Д.Фаулконер ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизимининг қандай ишлаётганини баҳолашда бир йўналиш бўйича эмас, балки бир нечта йўналишни яхлит ҳолда баҳолаган³. Аввало муаммонинг контексти ва сабабларини аниқлаш учун расмий кўрсаткичлар ҳамда соҳа адабиётларини таҳлил қилади ва айнан қаерда “узилиш” борлигини назарий жиҳатдан асослаб беради. Кейин тизим самарадорлигини ўлчашда квантиатив сўровнома (бу миқдорий маълумотлар тўплашга йўналтирилган сўровнома) орқали кўрсаткичларни, шунингдек таълимга боғлиқ айрим натижаларни йиғиб, уларни статистик таҳлил воситалари (масалан, SPSSда солиштирув тестлари) билан текширади.

Иккинчи босқичда эса шу рақамларда “нега шундай бўлди?” деган саволга жавоб бериш учун сифат тадқиқотига ўтади. Мақсадли танланган иштирокчилар билан интервьюлар ўтказиб, транскрипция, кўп босқичли кодлаш орқали такрорланувчи мавзуларни ажратади. Шу орқали тизимнинг кучли ва заиф томонлари аниқ ишоралар билан очади. Натижаларни талқин қилишда тадқиқотчи ўзгаришларни бошқариш ва лидерлик назарияларига таяниб, “жорий этишдаги пасайиш”ни камайтиришга қаратилган

² Турсунов Ш. Р. Талабаларда ватанпарварлик руҳини шакллантиришда инновацион ёндашувлар : педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати : 13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимлар тарихи / Турсунов Шахзод Рамонович. – Самарқанд, 2023. – 18-24 б.

³ Faulconer J. D. Junior Reserve Officer Training Corps Instructor Perceptions of Instructional Delivery in a Virtual Environment : dissertation for the degree of Doctor of Education in Educational Leadership / John Derek Faulconer. – East Tennessee State University, 2022. – 109 p.

амалий таклифлар ишлаб чиқади. Унинг таклифлари А.Томпсоннинг таклифларига деярли ўхшаш.

Россиялик тадқиқотчи Н.М.Звёздкин ёшларни ватанпарварлик тарбияси ҳолатини баҳолашнинг концептуал моделини таклиф қилади⁴. Унга кўра сон ва сифатни биргаликда баҳолаш лозимлиги таъкидланади. Тадқиқотчи “идеал” ватанпарварлик модели ва ёшлар онгида шаклланган реал ватанпарварлик қийматлари структурасини социологик солиштириш орқали тизим самарадорлигини баҳолашни таклиф қилади. У жорий ҳолатни анкета сўрови, президент маъмурияти ҳузуридаги ахборот таҳлил марказининг 2004-2018 йиллардаги маълумотлар базаларини иккиламчи таҳлил қилади. Тўпланган маълумотлар қуйидаги индикаторлар орқали баҳоланган:

- туғилган жойга, она табиатга муҳаббат, тарихга ҳурмат (маданий-тарихий мансублик);
- мамлакат фаровонлигини оширишга интилиш;
- умумий фаровонлик учун шахсий манфаатлардан воз кечишга тайёрлик;
- меҳнатга муносабат;
- давлат рамзларига (герб, байроқ, мадҳия) ҳурмат;
- ватанни ҳимоя қилиш бўйича ҳарбий бурчни бажариш;
- ўз юртида яшаш ва ишлашга интилиш.

Ҳар бир индикатор учун: $P=(n/N) \times 100\%$ формуласидан фойдаланилган. Бунда сўровда иштирок этган респондентларнинг умумий сони маълум вариантни танлаган респондентларга нисбатидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Унинг фикрича давлат органлари томонидан ватанпарварлик тарбиясининг самарадорлигини баҳолаш асосан статистик кўрсаткичларга таянилмоқда. Бу усул ёшларнинг онгида қийматлар қай даражада шаклланганлигини ва реал ҳулқ-атворида қандай акс этаётганини кўрсатмайди. Тадқиқотчи социологик тадқиқотларни ватанпарварлик тарбияси натижаларини баҳолашда расмий индикаторга айлантириш, яъни уларни давлат мониторинг тизимига киритиш, ватанпарварлик тарбиясига доир давлат дастурларида “қанча тадбир” эмас, “ёшларда қандай ўзгариши юз берди” каби сифат индикаторларини жорий қилиш ва турли институтлар (мактаб, ОТМ, Қуролли Кучлар, жамоат ташкилотлари) маълумотларини бирлаштирилган аналитик тизимга тўплаш ҳамда шу асосда умумий баҳолашни амалга оширишни таклиф қилган.

Н.Звёздкин 1000 нафар респондент билан ижтимоий сўров ўтказди. Сўровонома натижаларини 2002-2020-йилларда ўтказилган сўровонома натижалари билан солиштиради. Ёшлар ватанпарварликни қандай тушуниши аниқлаб олинади ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги мазмун билан солиштирилади. Шунда ўртадаги тафовутни аниқлайди ва муаммо сифатида эътироф этади⁵. Унинг фикрига кўра мукамал ва соҳани тўлиқ қамраб олмаган норматив-ҳуқуқий база ана шу соҳанинг ривожланишига катта сальбий таъсир кўрсатади. Мукамал ишлаб чиқилган қонунчилик кузатилиши мумкин бўлган камчиликлар ва номувофиқликларнинг олдини олади.

М.В.Ковба мактабларда ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг жорий ҳолатини сўровнома асосида аниқлашга ҳаракат қилган. Шунингдек пилот анкета асосида ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясига муносабати таҳлили ўтказилган. Шу билан бирга, соҳага оид норматив ҳуқуқий ҳужжатлар манбалар таҳлили асосида ўрганиб чиқилган⁶. Муаллиф ўтказган тадқиқотида ёшларнинг асосий қисмининг

⁴ Звёздкин Н. М. Формирование патриотических ценностей в системе государственной молодежной политики Республики Беларусь : автореф. дис. ... канд. социол. наук : 22.00.08 / Н. М. Звёздкин. – Минск : Белорусский государственный университет, 2021. – 10 с.

⁵ Ўша манба. 12-14р.

⁶ Ковба М. В. Військово-патріотичне виховання старшокласників у системі освіти України (перша чверть XXI ст.) : дисертація на здобуття ступеня доктора філософії за спеціальністю 011 «Освітні, педагогічні науки». –

ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси ҳолати ижобий натижа кўрсатган бўлишига қарамай, соҳага оид норматив ҳужжатларни такомиллаштириш лозимлигини эътироф этади.

Х.Й.Мирзакаримов ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини инновацион усуллар билан бойитиш тенденциясига урғу берган. Муаллиф тадқиқотнинг асосий йўналишини инновацион ёндашув асосида ёшларда ҳарбий-ватанпарварлик фазилатини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш ва бунинг учун модель, технология, дидактик таъминот ҳамда баҳолаш-диагностикани тизимлаштиришни асосий мақсад сифатида белгилайди⁷. Муаллиф методикани фақат алоҳида дарс усули сифатида эмас, балки комплекс педагогик ечим сифатида кўради. Яъни, у такомиллаштирилган педагогик моделни таклиф қилади. Унда камида тўрт йирик блок мақсадли-мотивацион, концептуал-методологик, ташкилий-педагогик, натижавий-баҳолаш кўрсатилади. Х.Й.Мирзакаримов назарий, эмпирик ва математик усуллардан фойдаланган ҳолда уч босқичда когнитив, мотивацион, фаолиятли ва креатив мезонлар орқали ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини баҳолайди.

Х.О.Икромов эса ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини ташкил этишга қаратилган ижтимоий-фалсафий ёндашувни илгари суради. Унинг моҳияти тизимли ҳуқуқий-институционал таҳлил қилиш ва механизмларни “анализ-синтез” орқали тушунтириш, ташқи (хорижий) тажрибани қиёсий ўрганиб, мослаштириш ҳамда ахборотлашган жамиятда рақамли технологиялар таъсири йўналишида таҳлил қилинади⁸.

Т.А.Асеева ўз тадқиқотида ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасида ўтказилаётган тадбирларнинг сони, иштирокчилар қамрови, интернетдаги фаоллик ва молиялаштиришни асосий баҳолаш соҳалари сифатида талқин қилади⁹. Муаллиф ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси бўйича давлат сиёсатида тадбирларнинг миқдори ёшларни кенгроқ жалб қилиш ва ҳабардорлигини ошириш воситаси сифатида кўради. Албатта ушбу тадбирларда сифат кўрсаткичлари ҳам аҳамиятли. Бу соҳанинг жорий ҳолатини билиш ва баҳолаш учун албатта ёшлар орасида ижтимоий сўровнома ўтказиш ва натижаларини таҳлил қилиш лозим бўлади. Тадқиқотчи тадбирларнинг ёшларга таъсирини баҳолаш учун уларни гуруҳлаштиради. Гуруҳлар сонининг кўплиги қамровни аниқлаб беради.

Т.А.Асеева интернетни ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда энг асосий воситалардан бири сифатида таърифлайди. У жорий ҳолатни ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракатларининг ижтимоий тармоқлардаги каналлари аъзолар сони ва билдирилган фикрлар мазмунидан келиб чиқиб баҳолайди.

Тадқиқотчи иккита баҳолаш усулини бирлаштирган:

1. Институционал таҳлил.
 - ватанпарварлик ташкилотлари фаолияти
 - тадбирлар сони
 - молиявий ресурслар
 - ижтимоий тармоқлардаги иштирокчилар сони
2. Ўқувчилар фикри
 - ватанпарварлик ҳақидаги тасаввурлар
 - тарбия субъектлари ҳақида фикрлар
 - тадбирларда иштирок

Дрогобич : Дрогобицкий державний педагогічний університет імені Івана Франка, 2024. – 23-169 с.

⁷ Мирзакаримов Х.Ю. Инновацион ёндашув асосида талабаларда ҳарбий-ватанпарварлик фазилатини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш: пед. фанлари бўйича PhD дисс. автоферати. — Фарғона, 2025. — 62 б. (титул/чиқиш маълумоти). Автоферат, 8-б.

⁸ Икромов Х.О. Диссертация мавзусининг долзарблиги: глобал кескинлик ва ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракатининг миллий хавфсизликдаги ўрни. Автоферат, 8–9-б.

⁹ Асеева Т. А. / Проблема институциональной эффективности системы патриотического воспитания в регионах Сибирского федерального округа // Социально-политические исследования.–2022.–№ 2 (15).–С. 59–75.–манба: <https://doi.org/10.20323/2658-428X-2022-2-15-59-75ф>.

- самарадорликни баҳолаш

Ўтказилга сўровларда

Шунингдек, тадқиқотда молиялаштиришни ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси тизимининг “ресурс базаси” сифатида кўради. У иккита иқтисоди фарқ қилувчи ҳудудлардаги ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясидаги фарқни асослашга ҳаракат қилган. Иқтисоди юқори ҳудудлар ёшлар учун керакли барча имконият ва шароитларни яратиб беради ва бу ёшлар тарбиясида ўз аксини топади. Иқтисоди қолоқ ҳудудлардаги ёшлар асосан пул топиш илинжида бошқа жойларга кўчиб кетади ёки ёшлигидан иш билан банд бўлади.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизимининг ҳақиқий самарадорлиги унинг натижаларини қай даражада объектив ва замонавий мезонлар асосида баҳолай олишга бевосита боғлиқ. Шу сабабли, бугунги кунда ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик ҳолатини аниқлаш ва давлат сиёсатининг самарадорлигини ўлчаш ва юзага келган ва мавжуд бўшлиқларни тўлдириш мақсадга мувофиқ.

Хулоса.

Бугунги кунга қадар ўтказилган тадқиқотлар кўпинча ёшларнинг психологик ва педагогик қизиқиши ёки билим даражаларини аниқлашга қаратилган. Бундан ташқари баъзи тадқиқотчилар ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасидаги педагогик дастурларнинг самарадорлигини баҳолаган ва ўзларининг таклифларини илгари сурганлар. Албаатта ушбу жараёнда юқоридагиларнинг самарадорлиги муҳим. Бироқ давлат сиёсатида бўшлиқлар мавжуд бўлса, бунинг натижасида давлат сиёсатини амалга оширишга масъул ташкилотлар ўртасида ҳамкорлик, мувофиқлаштириш ҳамда натижадорликка асосланган тадбирлар режалари ишлаб чиқилиб, яқдилликда амалга оширилмаса ҳар қандай педагогик, психологик ва фалсафий ислохотлар самарадорлиги пастлигича қолаверади. Албатта давлат томонидан молиялаштириш ва инфратузилманинг тўлиқ таъминланганлик ҳолати муҳим ааҳамиятга эга. Ушбу соҳани такомиллаштириш ва мавжуд бўшлиқларни тўлдириш учун тадқиқотлар зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Критерии и основы методики оценки результатов работы по патриотическому воспитанию : научно-исследовательская работа / В. И. Лутовинов ; общ. ред. Ю. П. Квятковского ; Российский государственный военный историко-культурный центр при Правительстве Российской Федерации. — Москва : Армпресс, 2006. — 69 с. — ISBN 5-903166-07-5.
2. Турсунов Ш. Р. Талабаларда ватанпарварлик руҳини шакллантиришда инновацион ёндашувлар : педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати : 13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи / Турсунов Шахзод Рамозонович. – Самарқанд, 2023. – 18-24 б.
3. Faulconer J. D. Junior Reserve Officer Training Corps Instructor Perceptions of Instructional Delivery in a Virtual Environment : dissertation for the degree of Doctor of Education in Educational Leadership / John Derek Faulconer. – East Tennessee State University, 2022. – 109 p.
4. Звёздкин Н. М. Формирование патриотических ценностей в системе государственной молодежной политики Республики Беларусь : автореф. дис. ... канд. социол. наук : 22.00.08 / Н. М. Звёздкин. – Минск : Белорусский государственный университет, 2021. – 10 с.
5. Ковба М. В. Військово-патріотичне виховання старшокласників у системі освіти України (перша чверть ХХІ ст.) : дисертація на здобуття ступеня доктора філософії за спеціальністю 011 «Освітні, педагогічні науки». – Дрогобич : Дрогобицький державний педагогічний університет імені Івана Франка, 2024. – 23-169 с.

6. Мирзакаримов Х.Ю. Инновацион ёндашув асосида талабаларда ҳарбий-ватанпарварлик фазилатини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш: пед. фанлари бўйича PhD дисс. автоферати. — Фарғона, 2025. — 62 б. (титул/чиқиш маълумоти). Автоферат, 8-б.
7. Икромов Ҳ.О. Диссертация мавзусининг долзарблиги: глобал кескинлик ва ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракатининг миллий хавфсизликдаги ўрни. Автоферат, 8-9-б.
8. Асеева Т. А. / Проблема институциональной эффективности системы патриотического воспитания в регионах Сибирского федерального округа // Социально-политические исследования.-2022.-№ 2 (15).-С. 59-75.-манба: <https://doi.org/10.20323/2658-428X-2022-2-15-59-75ф>.

